

002  
T-654

17

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
«БИЛИМ» ЖАМИАТИ



А. Т Р А Н И С

# КИТОБЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

*Э/м/1/3*

РОССИЯДА

КИТОБ НАШР

ҚИЛИШНИНГ

400 йиллигига



1 9 6 4

ЎЗБЕКИСТОН ССР „БИЛИМ“ ЖАМИЯТИ

Л. ТРАНИС

002  
Т-654

К И Т О Б Л А Р  
О Л А М И Г А  
С А Ё Ҳ А Т

Бр 18114/3

№ 59

БИБЛИОТЕКА  
Сам. СХИ  
гөр. Самарканд

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“  
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти  
Тошкент — 1964

+

002  
Т 75

Транис Л.

Китоблар оламига саёҳат. Т., «Қизил  
Ўзб-н», «Правда Востока» ва «Ўзб-ни Сурх»  
нашриёти, 1964.

47 бет. Тиражи 15800. (ЎзССР «Билим»  
жамиати, № 59).

Транис Л. Путешествие в страну книг.

002

Инсон ўзининг келажак бахт-саодати  
ва қудрати йўлида яратган ҳамма  
мўъжизалар орасида энг мураккаб  
ва энг буюк мўъжиза—китобдир.

*М. Горький.*

## Буюк мўъжизанинг таърифи

Инсон ўзининг кўп асрлик тарихида жуда кўп буюк мўъжизалар: Миср эҳромлари ва Юнонистондаги Парфенон обидасини, Самарқанд мақбаралари ва Рим қошоналарини, кемалар ва автомобилларни, космик ракеталар ва ер сунъий йўлдошларини яратди... Инсон табиат тилсимларини очди, атомни ёриб кўрди, ажойиб элементар заррачалар дунёсини кашф этди, космосни забт эта бошлади...

Инсон — оламнинг эгаси бўлиб, уни борган сари яхшилашга ва ўзи учун қулай қилиб олишга интилмоқда: чўлларга ҳаёт бағишламоқда, тоғларни ўрnidан силжитмоқда, дарёларни орқага буриб, янги денгизлар барпо қилмоқда. Ер юзидаги жамики нарсалар инсоннинг қўли, ақли-заковати, билими билан бунёдга келган.

Илм-маърифат бўлмаганида, ўзидан аввалги аждодлар тажрибасини ўзлаштириб олмаганида, инсон ҳозирги замон маданиятининг баланд чўққиларига чиқа олмаган бўларди.

Илм-маърифатсиз инсон ҳеч нарса қила олмайди. Хўш, инсон шу илм-маърифатни қаердан олади? Бунинг фақат иккита манбаи бор. У ҳам бўлса — ҳаёт билан китобдир. Худди шунинг учун ҳам Максим Горький китобни инсон яратган энг буюк мўъжизалардан деб атади.

Китоб бир умрлик йўлдошимиздир. Остона ҳатлаб, мактабга кириб келган бола илк бор алифбени очар экан, кўз очиб кўрган шу китоби қандай ажойиб илм-маърифат оламини кашф этишда ўзига ёрдам беражагини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ер юзидан аллақачон йўқ бўлиб кетган халқлар, тарихдаги буюк истилолар ва ге-

ографик кашфиётлар, бобокалонларимизнинг фикр ва туйғулари тўғрисидаги маълумотларни биз китобдан оламиз; китоб ўз шаҳримиздан ҳеч қаерга чиқмай, олам атрофида саёҳат қилишимизга имкон беради; китоб туйғуларни узоғимиз яқин бўлади: биз фикран Колумбнинг олам атрофидаги саёҳатларида қатнашамиз, Саҳрои-Қабирнинг бу бошидан кириб, нариги бошидан чиқамиз, қадимги Бухоро бозорларини айланамиз, рассом устахонасига назар ташлаймиз, олим лабораториясида бўламиз.

Китобсиз билим йўқ, инсонга муносиб ҳаёт йўқ, онгли равишда олға қараб бориш йўқ. Яхши китоб китобхонни ҳеч қачон аввалги аслича қолдирмайди — унга яхши фазилатлар бағишлайди.

Китоб, мутолаа ёшларнинг ўз истеъдодини тўғри аниқлаб олишига, бир касбни танлаб, унинг тасарруфини қўлга олишига, табиат ва жамият тараққиёти қонунларини билиб олишига ёрдам беради.

Китоб — бошқа халқларнинг, бошқа мамлакатларнинг эшикларини очиб, турли қитъалардаги халқларни бир-бирига иноқлаштиради, уларнинг ҳаётидан, кураши ва умидларидан хабардор қилади.

Китоб — билим манбаигина бўлиб қолмай, жангда ва меҳнатда қаҳрамонликларга ундовчи илҳом манбаи ҳамдир. Фақат икки китобни: Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди»си билан Борис Полевойнинг «Чин инсон қиссаси»ни эсга олайлик. Бу китобларнинг қаҳрамонлари — Павка Корчагин билан Алексей Маресьев совет ёшлари учун тинч меҳнат йўлларида ҳам, урушнинг энг катта синов йилларида ҳам ўз Ватанига чексиз садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолди.

Одамлар сингари китобларнинг ҳам ўз қисмати бор. Бир хил китоблар ўз авторининг тириклик чоғидаёқ унутилиб кетади, бир хиллари эса одамларнинг неча-неча авлодларига хизмат қилади. Китобнинг қиммати муқовасининг чиройлилиги, қоғозининг тозаллиги ёки саҳифаларининг кўплиги билан белгиланмайди. Китобнинг қиммати унинг мазмунида, одамлар орасига олиб кираётган идеяларидадир.

1848 йилда Лондонда нашр қилинган кичкинагина китоб — «Коммунистик партия манифести» инсонни капиталистик эксплуатация асоратидан озод қилиш учун

курашда бутун дунё меҳнаткашларининг байроғи бўлиб қолди. Унинг буюк идеялари юз йил муқаддам порлоқ истиқбол учун курашга қандай илҳомлантирган бўлса, ҳозир ҳам ана шундай илҳомлантириб турибди.

Улуғ сиймолар китоб билан қалин дўст бўлганликлари тўғрисидаги сатрларни уларнинг биографиясидан ҳаммиша топиш мумкин. Севимли машғулоти нима, деган саволга Карл Маркс «Китоб титкилаш» деб жавоб берган эди. В. И. Ленин ҳам китобхонликни ниҳоятда яхши кўрар эди. Болалик чоғидан тортиб, умрининг сўнгги дамларигача у китобдан сира ажралмади. Рус бадий ва айниқса революцион-демократик адабиётидаги ҳамма дурдоналарни у ўсмирлик йилларидаёқ ўқиб чиқди.

Шундай қилиб, биз китоблар оламига саёҳат бошлаймиз. Ҳар бир саёҳат олдидан унинг маршрутини танлаб олиш зарур. Биз ҳам шу таомилдан чиқмаймиз. Саёҳатимиз вақтида биз китоб қандай пайдо бўлганини, китоб босиш ишининг бешигида кимлар турганини билиб оламиз, энг йирик кутубхоналарда бўламиз, Ғарб китоблари чангалзорига назар ташлаймиз, коммунизм учун курашдаги иттифоқчимиз билан яқиндан танишамиз.

## Китоб қандай пайдо бўлди?

Бу саволга жавоб беришдан аввал, ҳурматли китобхон, шуни бир ўйлаб кўрайликчи, китоб ҳамма вақт ҳозирги шаклида бўлганми?

Утган асрнинг ўрталарида олимлар Дажла дарёсининг соҳилидаги қадимги Ассирия мамлакатининг пойтахти Ниневияни қазиб кўришди. Қазиш вақтида 2600 йил илгари яшаган подшо Ашурбанипалнинг бутун бир «кутубхонаси» топилди. «Кутубхона» 22 мингта кесак плитадан иборат эди. Ундаги «китоб»ларнинг кўпи тахминан 5 минг йил сақланган. Ҳар бир «китоб» ўнлаб кесак плитадан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча килограмм бўлган.

Хитойдаги энг қадимги китоблар бамбуқ тахтачаларга ёзилган. Бу тахтачалар худди ҳозирги китобларнинг варақлари сингари бир-бири билан боғланган. Бунинг учун ипакдан фойдаланилган. Бундай китоблар оғир ва

бесўнақай бўлган. Шундай афсона борки, мелоддан аввалги V асрда яшаган хитой олими Мо Ди саёҳатга борадиган бўлса, ана шу китобларни ташиб юриш учун камида учта арава қўштириб олар экан.

Кесақ ва бамбуқ плиткалар айрим мамлакатлар ўртасида амалий ва дипломатик ёзишмалар олиб бориш учун ноқулай эди. Шу сабабдан, жуда қадим замонлардаёқ одамлар хат ёзишдан фойдаланиш учун енгилроқ материал қидиришган.

Қадимги мисрликлар хат ёзиш учун Нил водийсида жуда кўп тарқалган қамишсимон ўсимлик — папирусдан фойдаланишган. Папируснинг ўзагини тилим-тилим қилиб кесилган, уни бир қаторга тахлашган. Шундан кейинги кесилган тилимларни унинг устига кўндаланг шаклда қўйиб, тахтакачлашган ва офтобда қуриштишган. Тахт бўлган варақларни бир-бирига елимда улаб, керакли узунликда лента ҳосил қилишган. Қўлёзманинг бир томонини юмалоқ таёқчага боғлаб, уни ўша таёқчага ўраб қўйишган. Қўлёзма яхши сақлансин учун уни ёғоч ёки чарм филофга солишган.

Хат ёзиш учун хурмо барглари, устига бир қават мум суртилган ёғоч лавҳачалар, бамбуқ мойи, суякдан ҳам фойдаланилган. Славянлар эса хат ёзиш учун қайин пўстлогини ишлатишган.

Мелоддан бир неча аср муқаддам хат ёзиш учун пергамент, яъни бузоқ, эчки ёки қўйнинг яхши ошланган юпқа териси ишлатила бошланган. Ўз-ўзидан маълумки, каттароқ асарни ёзиш учун жуда кўп тери керак бўлар эди. Бир тарихчи: «Каттароқ қўлёзмани пергаментга бир нусха кўчириш учун бутун бир поданинг баҳридан ўтиш лозим эди», деб бежиз айтмаган. Шу сабабли, пергамент китоблардан катта-катта тўпламлар тузиш қийин эди. 500—1000 та пергамент ўрамдан иборат тўплам ғоят нодир ва ниҳоятда қимматли бойлик ҳисобланарди. Китоблар қимматбаҳо жавоҳирлар қатори сеп тарзда тортиқ қилинар ва гаровга олинар эди. Бисотида биттаю-битта китоби бўлган кишилар уни ворислардан қайси бири олажагини васиятномада алоҳида кўрсатиб қўяр эдилар.

Пергамент қиммат бўлгани учун қадимги котиблар уни топйиш йўлида ҳар хил ҳийла-найрангларни ишлатар эдилар. Эски қўлёзмалардаги хатларни қириб ташлаш усули кенг тарқалган эди. Роҳиблар орасидан чиққан котиблар бу борада жуда ном чиқарган эдилар. Шу

тариқа қадимги авторларнинг кўпгина асарлари йўқ бўлиб кетди. Лекин ҳозир дастлабки текстни химиявий усулда асл ҳолига келтириш йўли топилди.

Шундай қилиб, одамлар хат ёзиш учун минг йиллар мобайнида жуда турли-туман материаллардан бир талайини синаб кўришган бўлса-да, лекин уларнинг кўнгли таскин топмади. Чунки бу материалларнинг баъзиси оғир, баъзиси мўрт ва чидамсиз, баъзиси қиммат эди. Инсон фикрини, китобни ер куррасининг ҳамма томонларига элта оладиган пишиқ ва арзон материал керак эди. Қоғоз ана шундай материал бўлди.

Ҳойнаҳой, китобхон, сенда шундай савол туғилгандир: қоғоз қачон, қаерда ва ким томонидан ихтиро қилинган? Қоғоз тарихининг машҳур тадқиқотчиси, рус олими Н. П. Лихачевга сўз берайлик: «Шу хилдаги ихтироларнинг кўпчилиги сингари, қоғознинг ихтиро қилинган вақти аниқ маълум эмас. Исо пайғамбар таваллудидан икки аср илгариёқ (мелоддан олдин — Л. Т.) Хитойда ипак ва бамбуқ толасидан қоғоз тайёрлаб келишган, лекин бу қоғоз ўз таркиби ва тайёрланиш жиҳатидан умумевропа миқёсида каноп ва зигир толасидан тайёрлаб келинаётган қоғоздан кескин фарқ қилади. Латта қоғознинг ҳақиқий ватани — Туркистондир, бу қоғоз Туркистондан Сурия, Мисрга тарқалган, Жанубий ва Ғарбий Европага ўтган»<sup>1</sup>.

Хитой ҳукумати қоғоз тайёрлаш усулини давлат сирини деб эълон қилган. Бу сирни билдириб қўйган ҳар қандай одам қаттиқ жазога тортилган. Аммо тақиқлаш чоралари қоғознинг бошқа мамлакатларга ёйилишини тўхтата олмади. 650-йилда Самарқандда қоғоздан фойдаланишган. Лекин шу қоғоз Самарқанднинг ўзида тайёрланганми ёки бошқа мамлакатлардан келтирилганми — бу маълум эмас.

751-йилда ҳозирги Жамбул шаҳрининг яқинидаги Талас дарёси бўйида хитойлар билан араблар ўртасида жанг бўлди. Хитойлар тор-мор келтирилиб, кўплари асир олинди. Асирлар орасида қоғоз тайёрлаш усулини билладиган бир неча киши бор эди. Улар бу сирни ғолибларга очиб қўйишди. VIII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарила бошланди, қоғоз ва

<sup>1</sup> И. Т. Малкиннинг «Қоғоз тарихи» китобидан. СССР ФА нашриёти, 1940 йил, 19-бет.



уни тайёрлаш усули ана шу ердан бошқа мамлакатлар ва халқларга ёйилиб, Европагача етиб борди. Францияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида XII—XIII асрларда қоғоз тайёрланадиган бўлди.

Бинобарин, қоғоз ихтиро қилинган, башарият инсон фикрини сақлаб қолиш ва кенг ёйиш учун ажойиб материалга эга бўлди. Улуғ ўзбек шоири Навоий қоғозни донишмандлар фикрини оламга ёювчи қушга ўхшатгани бежиз эмас.

Китоблар кўпайиб бора берди. Китоб тайёрлаш билан тажрибали хаттотлар шуғулланди. Моҳир хаттотларнинг кўп авлодлари китоб тайёрлаш усулини — материаллар, сиёҳ, бўёқ танлаш, хат кўчириш техникасини такомиллаштириб борди. Довруғи шоирлар, меъморлар, бастакорларникидан қолишмайдиган жуда кўп уста хаттотлар майдонга келди. Хаттотлик айниқса Шарқда камолотга эришди. Бу ерда ҳатто шуни ҳам ўйлаб топдиларки, сиёҳ билан бўёққа роят хушбўй моддаларни қўшадиган бўлдилар. Шу туфайли қўлёзма кишининг онгини бойитиш ва кўзига зиё беришдан ташқари, унинг баҳри-дилини ҳам очар эди. Айтишларича, XV асрга оид баъзи Шарқ қўлёзмаларидан ҳозиргача ҳам хушбўй ҳид анқиб турар эмиш.

Қоғоз пайдо бўлганига қарамай, китоб тайёрлаш усули эскича — қўлёзма шаклича қолди. Қўлёзма шаклидаги китоб бир неча йиллар давомида тайёр бўлар, қиммат турар эди. Шунинг учун бундай китобдан асосан, эксплуататор синф вакиллари бўлган тор доирадаги кишиларгина баҳраманд бўлар эди.

XIV—XV асрларда Ғарбий Европа ҳаётида экономика ва маданият соҳасида катта-катта ўзгаришлар рўй берди. Италияда маданият тараққиётидаги янги муҳим босқич — уйғониш даври бошланди, янги идеология, янги дунёқараш — инсонпарварлик вужудга келди. Унинг намояндалари дунёвий маданиятни, тажрибага, табиатни ўрганишга асосланган илмий билимларни диннинг зўравонлигига қарама-қарши қўйдилар. Бу даврнинг тарихи шундай атоқли ёзувчи ва рассомлар, олимлар ва ихтирочилардан кўпини биладики, уларнинг фаолияти кишилиқнинг маданий тараққиётида жуда катта роль ўйнайди.

Китоб босиш ўша даврдаги энг буюк ихтиролардан бири эканлиги шак-шубҳасиздир. Шу туфайли қўлёзма

шаклидаги қиммат ва ноёб китоблар ўрнига, арзон ва китобхон учун қулай бўлган, айна маҳалда кўп нусхада нашр қилинган китоблар вужудга келди. Арзон бўлганлиги учун эмас, балки мазмуни нуқтаи-назардан ҳам китоб ўқишга халқнинг қурби анча етадиган бўлди, чунки дастлабки босма китоблар орасида фақат диний асарларгина эмас, балки дунёвий мазмундаги асарлар ҳам бор эди. Китоб босиш ихтиро қилинганлиги туфайли китоб сиз билан биз ўрганиб қолган тус ва шаклга кирди. Китоб тайёрлашнинг қўлёзма усули матбаа усули билан алмаштирилди.

Хўш, китоб босишни ким ихтиро қилди? Бу ихтиронинг моҳияти нимадан иборат?

Китоб босишнинг моҳияти бир оригиналнинг ўзидан, босма қолипдан тамомила бир хил нусхаларни кўплаб кўчиришдан иборат. Одамлар бундай нусха кўчиришни жуда қадим замонлардаёқ ўрганиб олишган. 868 йилда хитой устаси Ван Цзе хитой тилига таржима қилинган ҳинд диний афсоналари тўпламини босиш учун ёғоч гравиюрдан фойдаланган. Бу китобни босишда қўлланилган усул ксилография деб аталади («ксилос» юнонча — «ёғоч» дегани). Бу усулда текст билан суратларнинг кўзгуга тушадиган акси ёғоч тахтага туширилган. Штрихлар орасидаги жойлар исканада ўйилган. Сўнгра тахтанинг қаварган жойига бўёқ суркаб, унга қоғоз ёки пергамент варағи маҳкам ёпиштирилган. Шунда тасвирнинг нусхаси тўғри чиққан. Бу усулда варақнинг бир томониغا ҳарфлар ёки суратлар босилган.

Қўлёзма усулига нисбатан ксилографиянинг кўпгина афзалликлари бор эди. У жуда қисқа вақт ичида юзлаб бир хилдаги нусхалар олиш имконини берар эди. Аммо айна маҳалда бу усулнинг ноқулай томонлари ҳам кўп эди. Биринчидан, текст ва суратларнинг тескари тасвирини ўйишга жуда кўп меҳнат ва вақт кетарди, иккинчидан, ҳар бир саҳифа учун алоҳида тахта керак эди, учинчидан, хатони тузатиш зарур бўлиб қолса, баъзан тахтадан катта-катта парчалар ўйиб ташлаб, ўрнига тузатилганини қўйишга тўғри келар эди. Шу сабабдан тез орада ксилография айрим бўртма ҳарфлар ва белгиларни териш билан алмаштирилди. Бу ишни биринчи марта XI асрнинг биринчи ярми охирларида хитой темирчиси Би Шен амалга оширди. У лойдан бўртма белгилар ясаб, уни пиширгандан кейин, шулардан босма қолиплар тай-

ёрлади. Босилгандан кейин қолипни ажратиб, белгилардан бошқа текстларни териш учун фойдаланиш мумкин эди.

Бизнинг мамлакатимиз доирасида бўлак-бўлак қилиб ажратиладиган ҳарфларни биринчи марта уйғурлар ишлатган. Уларнинг авлодлари ҳозиргача бизнинг республикамизда яшайди. Баъзи олимларнинг тахмин қилишича, бу ихтиро уйғурлардан Голландияга ўтган, Шарқ билан Ғарб ўртасида қизғин суратда савдо-сотиқ қилиб келган армани савдогарлари эса уни Голландиядан Германияга олиб ўтишган.

Ғарбий Европада ксилография XIV аср охирларидаёқ маълум эди. XV аср бошларида латин тилининг қисқача грамматикаси шу усулда неча марта лаб чиқарилган. Бу грамматикани IV асрда яшаган олим Элий Донат тузган.


Шундай қилиб, китоб босиш усулини яратиш устида



*1-расм.* Иоганн Гутенберг. Номаълум  
рассом ишлаган портрет, XVI аср.

турли мамлакатларда кўп одамлар ишлаган бўлса ҳам, ўзидан олдин қилинган ҳамма ишларга яқун ясашга фақат бир киши мушарраф бўлди. Бу киши немис халқининг улуғ фарзанди Иоганн Гутенберг эди (1400—1468) Унинг номи ер юзидаги ҳар бир маданиятли кишига маълумдир.

Гутенберг қўрғошин қотишмасидан қуйилган ҳарф ва белгиларни терди. Металлдан исталган миқдорда ва тамомила бир хил ҳарфлар тайёрлаш имконини берувчи асбобни ихтиро қилганлиги унинг катта хизмати ҳисобланади. Бу иш қандай қилинар эди? Гутенберг ғўлача шаклидаги металлга — қолипга бўртма ҳарфларнинг тескари тасвирини ўйиб, уни юмшоқроқ металл пластинкага — матрицага босарди. Матрица қуйма қолипчага солиниб, қолипча эритилган металл билан тўлдирилади. Натижада литера, яъни ғўлачага ўйилган белгининг айнан кўчирма нусхаси ҳосил бўлар эди. Шундай қилиб,



2-расм. Иоганн Гутенбергнинг  
босмахона станогги.

дан бери босила бошлаган? Ўзбек халқининг маданий мероси узоқ ўтмишларга илдиз ёйган. Хоразмий, Фаробий, Абу Али ибн Сино, Бируний, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина сиймоларнинг номлари жаҳон маданиятидаги энг атоқли арбоблар билан ҳақли суратда бир қаторда туради.

Хоразмийнинг «Ҳисоб ал жабр вал муқобила» деган алгебра асари неча асрлар мобайнида Шарқдагина эмас, балки Фарбий Европада ҳам алгебра бўйича асосий қўлланма бўлиб келди, математика тарихида жуда катта роль ўйнади. Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби тўғрисида китоб» деган бошқа бир асари XII асрда латин тилига таржима қилинган, Европа халқлари Қадимги Ҳиндистоннинг буюк муваффақияти — ҳозирги ўн минг хонали позиция ҳисоблаш системаси билан биринчи марта танишдилар.

Ўрта осиелик буюк олим Абу Али ибн Синонинг (980—1037) «Китоб алқонун фиттиб» деган асари ўша давргача инсоният тўплаган тиббий билимларни умумлаштириб, янада юксақ роғонага кўтарди. Бу китоб XII асрда латин тилига таржима қилиниб, Фарбий Европага ёйилди. Китобнинг арабча тексти 1593 йилда Римда босиб чиқарилди. Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган ибн Синонинг асари шундан кейинги йилларда Европанинг турли шаҳарларида латин тилида 29 марта нашр қилинди. Фарбий Европа врачлари 600 йил мобайнида билмаган нарсаларини ибн Синонинг «Алқонун»идан ўрганиб келдилар.

Ўрта Осиеда яратилган ана шу ва бошқа юзлаб китоблар энг моҳир хаттотларнинг қўли билан кўчирилди. Бутун Шарққа таърифи кетган истеъдодли хаттот Абдураҳмон Хоразмий Самарқандда яшаб, ижод қилди. У ўзининг ўғиллари Абдураҳим ва Абдулқарим билан биргаликда хаттотлик санъатининг ажойиб намуналарини яратди. «Бу даврдаги қўлёзмалар,— деб ёзади академик Т. Н. Қори-Ниёзов,— оригинал санъат бўлиб, бадиий нақшларининг аъло сифатли бўлиши, ҳуснихат, ажойиб муқова, бош варақларидаги чиройли безакларнинг бири-бирига ғоят ёпишиб тушганлиги билан ажралиб туради».

Ўрта Осиенинг Россияга қўшилиши бу ўлкадаги халқларнинг тақдирини улуғ рус халқининг тақдири билан боғлаб юборди. Бунинг прогрессив аҳамияти яна шу бўлдики, Ўрта Осие Россияга қўшилганидан кейин

ундаги халқларнинг ҳаётида муҳим воқеа юз берди, яъни китоблар босила бошлади.

1868 йилда Тошкентда биринчи босмахона очилди. Н. А. Северцовнинг «Тоғ ўлкаси тўғрисидаги хотиралар» асари Тошкентда рус тилида чиқарилган биринчи китоб бўлди. 1870 йилда иккинчи, аввалгисидан каттароқ босмахона очилди. Унда «Туркестанские ведомости» босилди. Ўзбек ва қозоқ тилларида (араб алифбесидида) ана шу газетага иловалар босиб турилар эди. «Туркистондаги ерли аҳоли учун тузилган 1872 йилги календарь» ўзбек тилида (араб алифбесидида) чиқарилган биринчи китоб бўлди. У 1871 йилда босмадан чиқди. Ўзбекистон тарихини жуда яхши биладиган академик Т. Н. Қориниёзов ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида Хоразмда тошбосма (литография) майдонга келганлигини ёзади. 1880 йилда Алишер Навоийнинг «Хамса»си, шоир Мунис Хоразмийнинг «Девони Мунис» ва «Девони Рожи» деган баёзлари босилиб чиқди. 1883 йилда Тошкентда биринчи марта тошбосма усулида китоб чиқарилди. Шундан кейин ўзбек тилидаги ҳамма китоблар тошбосма ёки текис босма усулида нашр қилинди.

Бу усул қандай бўлади? Босма қолипда устидаги бўёғи қоғозга тушиши лозим бўлган суратнинг чизиқлари бўш қолган жойлар билан бир хил текисликда бўлади. Бундай қолип махсус кимёвий усулда ишланади, натижада бўёқ суратнинг чизиқларига ёпишади, холос. Дастлабки кезларда қолип тошдан ясалгани учун унга тошбосма — литография деб ном берилган («литос» юнонча «тош» деганидир).

Октябрь революциясининг ғалабасига қадар Ўзбекистонда полиграфия саноати асосан йўқ эди. Бу ерда атиги 25 та майда босмахона ва литография бор эди. Уларда 574 ишчи бўлиб, шундан 72 киши маҳаллий миллат вакиллари эди; уларнинг орасида тажрибали матбаачилар бўлмагани учун маҳаллий тиллардаги китоблар асосан тошбосма усулида нашр қилинар эди.

Иқтисодий ва сиёсий характердаги қийинчиликлар мавжуд бўлганлигига қарамай, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ улуғ рус халқининг ёрдами туфайли Ўзбекистонда миллий китоблар барпо этилди. Унинг ҳажми 1920 йилдаёқ 1913 йилдагидан 2 баравар кўпайди.

1934 йилга келганда Ўзбекистонда 50 та босмахона

ишлади, уларда 1000 дан кўпроқ матбаа ходими меҳнат қилди. Ҳозирги пайтда республикада 10 та нашриёт ишлаб турибди. 1962 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 1976 ном билан жами 26 миллион 442 минг нусха, шу жумладан ўзбек тилида 1168 ном билан 17 миллион 131 минг нусха китоб нашр қилинди.

Эндиликда ўзбек китобхони ўзининг она тилида билимларнинг жуда бой хазинасига эгадир. Республикада илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг доҳиёна асарлари, улуғ Ленин асарларининг тўпламлари ва айрим китоблари, ўзбек классик адабиётининг дурдоналари, рус классикларининг китоблари, ҳозирги замон ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарлари, қардош республикадаги ёзувчи ва шоирларнинг китоблари, хорижий авторларнинг энг йирик асарлари, атоқли олимларнинг илмий асарлари, билимнинг турли тармоқларига доир адабиётлар жуда кўп нусхада нашр қилинди.

Босмахона китобга қанот бағишлади. Китобларнинг сони беқиёс даражада кўпайиб кетди. XX аср бошларидаёқ бутун дунёда 9.026.059 номда китоб нашр қилинган эди.

## Турли-туман китоблар

Биз бу китобимизга «Китоблар оламига саёҳат» деб ном қўйдик. Ҳар қандай саёҳат вақтида сайёҳ ҳордиқ талаб бўлиб қолади, шу сабабдан, азиз китобхон, мана шу беш-олти саҳифада тўхтаб, китоб оламининг ажойиб намояндалари, айрим факт ва рақамлар билан танишиб олайлик.

Китоб ўқишга ишқибоз бўлган ҳар бир кишида қачонлардир мана шундай саволлар туғилган бўлса керак: дунёда энг улкан китоб қайсию, энг митти китоб қайси экан? 1955 йилда инглиз тилида У. Г. Блюменталнинг «Китоб ажойиботлари» деган китоби босилиб чиқди. Унда забардаст китоблар билан жимит китоблар, юмалоқ китоблар билан юрак шаклидаги китоблар, Миср эҳромларини қазиш вақтида топилган китоблар билан денгиз тубидан олиб чиқилган китоблар тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу китобда желтирилган баъзи фактлар муайян даражада диққатга сазовордир.

Король Карл II нинг Британия музейида сақланаётган атласи ҳажм жиҳатидан энг улкан китоб ҳисобланади. Унинг ҳажми 176×97 см. Шу улкан китобнинг муқовасини тайёрлашга саккизта саҳтиён тери кетган.


Китобларнинг муқовасига гулли чит ва чиптадан тортиб, кимхоб ва барқутга қадар жуда хилма-хил материалларни ишлатишган. Китобларнинг безаги учун қимматбаҳо тошлар ва фил суягидан, кумуш ва ошланган теридан фойдаланишган.

Блюментал 12 та энг жажжи китобча тўғрисида ҳам гапирди. Бу китобчаларнинг ҳажмини ақалли шундан билиб олиш мумкинки, 12 та китобнинг ҳаммаси битта ош қошиққа жо бўлган.

Галилейнинг хати босилган китобча шуларнинг ичида энг миттисидир. Унинг ҳажми — 16×11 мм.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам митти китобчалар нашр қилинган. И. А. Криловнинг 1856 йилда Петербургда нашр қилинган масаллар китобини полиграфия соҳасидаги мўъжиза дейиш мумкин. Бу китобчанинг формати — 2,7×2 см. Битта гугурт қутига шундай китобчалардан учтаси жо бўлади.

Ҳажми жиҳатидан энг катта китоблардан бири Самарқанддаги Бибиҳоним мачитида сақланганлигини билиш биз, Ўзбекистонда яшовчи кишилар учун қизиқарлидир. Гап 1403 йил атрофида кўчирилган Қуръон тўғрисида боради. Китобнинг ўзи йўқолган, лекин унинг



4-расм. Ош қошиққа жо бўлган ўн нақита китоб.



катталигини остига қўйилган тошдан билиш мумкин. Бу тошнинг узунлиги иккию чорақ метр ва эни икки метр-дир.

1662 йилдан тортиб то 1723 йилгача 60 йил мобайнида чиқарилган Хитойдаги машҳур Катта қомус—«Ту-Шу-Цзи-Чен»— дунёда энг катта китоб ҳисобланади. Китоб 5163 томдан иборат бўлиб, унда 853456 саҳифа бор.

356 тилда босилган китобни эшитганмисиз? Маълум бўлишича, шундай китоб ҳам бор экан. 1872 йилда Лондондаги бадий-саноат виставкасига бошқа рус экспонатлари қатори «Фанлар академиясининг босмаҳонаси ва ҳарфхонасидаги ҳарфларнинг намуналари» деган китоб қўйилган. 1870 йилда Петербургда босилган бу китобда ҳар бир текст 356 тилда такрорланган.


1957 йилда «Курьер ЮНЕСКО» журнали ўзининг



5-расм. Бош бармоқ тирноғича келадиган китоб.

бир сонини «Китоблар оламида» деган темага бағишлади. Журналда диққатга сазовор рақамлар келтирилган: Ҳар йили дунёда 5 миллиардга яқин китоб нашр қилинар экан. Ҳар бир китобнинг қалинлигини ўрта ҳисобда 2 см деб фараз қилайлик. Шунда ҳар йили чиқарилаётган китобларни бир қаторга терадиган бўлсак, унинг узунлиги 100.000 км бўлади. Бундай китоб лентаси билан ер шарининг экваторини икки марта чулғаб олиш мумкин.

Лекин йилига 5 миллиард китоб чиқарилмоқда, деган рақам тахминий тапдир. Чунки нимани китоб деб ҳисоблаш тўғрисида шу чоққача ягона бир фикр йўқ. Бир қанча мамлакатларда китоб учун минимал ҳажм белгиланган. Масалан, Италия, Монако, Швецияда вақтли бўлмаган камидан 100 бетли, Данияда 60 бетли, Ливан



6-расм. Бибихоним мечити. Энг катта китоблардан бирининг тагига қўйилган тош.

ва Жанубий Африка Республикасида 51 бетли, АҚШ, Канада, Норвегия, ГФР, Финляндияда 49 бетли, Голландияда 33 бетли, Исландияда 17 бетли нашр китоб қаторига киритилди. Англияда нархи 6 пенс ва бундан ортиқ бўлган, лекин вақтли бўлмаган ҳар қандай нашр китоб деб ҳисобланади.

ЮНЕСКО (Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) китобнинг минимал ҳажми 49 бет бўлсин, деб тавсия қилди, аммо бу таклиф ҳали қабул қилингани йўқ. Бу эса, айрим мамлакатларда китоб чиқариш қандайлигини таққослаб кўришни қийинлаштириб қўймоқда, албатта. Бироқ, чиқарилаётган китобларнинг сони жиҳатидан ҳам, китобларни таржима қилиш жиҳатидан ҳам бизнинг мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринда турганлигини «Курьер ЮНЕСКО» журнали эътироф этади. 1955 йилда СССРда 4282 та, АҚШда эса атиги 818 та таржима нашр қилинди. Биргина шу фактнинг ўзи Совет Иттифоқи маданиятни юксалтиришда зўр ютуқларга эришганлигини, меҳнаткашларни жаҳон адабиётининг энг яхши асарларидан баҳраманд қилиш соҳасида гоят катта иш олиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Таржималарининг сони жиҳатидан В. И. Ленин асарлари биринчи ўринга чиқди: 1948 йил билан 1955 йил ўртасидаги даврда 968 марта таржима қилинди.

Хўш, қайси ёзувчиларнинг асарлари ҳаммадан кўп таржима қилинмоқда ва, бинобарин, ҳаммадан кўп ўқилмоқда? Журнал бу саволга жавоб беради. «Уруш ва тинчлик»нинг гениал автори, улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой таржима қилинган асарларининг сони жиҳатидан ҳам, таржима қилинган тилларнинг сони жиҳатидан ҳам биринчи ўринда туради. Унинг асарлари 1955 йилда 23 мамлакатда таржима қилиб чиқарилган.

Шундан кейинги ўринда улуғ инглиз драматурги Вильям Шекспир билан даниялик ажойиб ёзувчи Ганс Христиан Андерсен туради. Унинг эртақларини ёшу қари севиб ўқимоқда. Бу авторларнинг асарлари 22 мамлакатда таржима қилинган.

Булардан сўнг совет адабиётининг асосчиси М. Горький, А. П. Чехов, француз Оноре де Бальзак ва америкалик Жек Лондон туради. Буларнинг асарлари 1955 йилда 19 мамлакатда таржима қилинган.

Шундан кейинги ўринларда яна икки рус ёзувчиси:

Ф. Достоевский ва И. Тургенев, улар билан бир қаторда инглиз Чарльз Диккенс ва француз Александр Дюма (18 мамлакат) ва, ниҳоят, гениал рус шоири А. С. Пушкин (17 мамлакат) туради.

Шундай қилиб, асарлари 1955 йилда ҳаммадан кўп таржима қилинган 10 ёзувчи орасида мамлакатимизнинг 6 ёзувчиси бор.

## Билим денгизидаги ороллар

Китоблар, китоблар, китоблар... Китоблардан бутун бир денгиз ҳосил бўлган... Лекин бу денгизда ороллар бор: биз китоблардан иборат билим денгизидаги ороллар — кутубхоналарни назарда тутамиз. Ҳар бир мамлакатда ҳам кутубхоналар бор, лекин биронта мамлакатдаги кутубхоналар сони биздагичалик эмас. Қаёққа борманг — қўриқ ердаги совхозгами, ёки бинокорларнинг омонат қароргоҳигами, ҳатто энг кичкина шаҳарга, қишлоқ, Шимолдаги қишлоқчилар ҳузурига ёки пахтакорларнинг дала шийпонигами — ҳамма ерда кутубхона кўрасиз. Ҳар бир совет хонадонининг ўз шахсий кутубхонаси бор. Китоб совет кишилари учун нон каби зарур бўлиб қолди.

Биз кўпгина катта кутубхоналаримиз билан фахрлансак арзийди. Аммо маданиятимизнинг жавоҳири — В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонаси энг зўр ифтихоримиздир. Утган йили у юз ёшга тўлди.

В. И. Ленин номли кутубхона жаҳонда энг йирик эканлигини кўрсатиш учун бир талай рақамлар келтириш мумкин. Масалан, кутубхона фондида 22 миллиондан ортиқ китоб бор, китоб тоқчаларини бир-бирига уласа, узунлиги 200 километрдан ошади, ҳар йили унинг хизматидан икки миллиондан ортиқ китобхон баҳраманд бўлади. Кутубхонага СССРда яшовчи 85 халқнинг тилидаги китоблар тўпланган. Қарийб ана шунча миқдордаги чет эл халқларининг тилларида чиқарилган китоблар йиғилган. Кутубхона фондларида революцион адабиётнинг энг қимматли коллекциялари — яширин босмахоналарнинг нашрлари, Ленин «Искра»сининг комплектлари, Маркс ва Энгельс асарларининг дастлабки таржималари, 1703 йилдан ҳозирги кунга қадар рус газеталарининг

комплектлари бор. Бу кутубхонага кўпгина нодир китоблар ва қўлёзмалар тўпланган. Шулар орасида Жордано Брунонинг «Философия трактати»ни — унинг бирдан-бир асл қўлёзмасини кўриш мумкин. Кутубхонада хорижий Шарқ халқларининг хитой, япон, форс, қадимги яҳудий, мўғул, корейс ва бошқа тиллардаги энг қимматли китоблари сақланмоқда.

Бу ерга мамлакатимизда нашр қилинган ҳамма китоблар ва чет элларда чиқарилаётган барча қимматли асарлар пайдар-пай келиб туради.

Улуғ Ленин кутубхонанинг доимий китобхони эди. Лениннинг керакли адабиётларни тўплаб беришни сўраб, кутубхонага юборган кўпгина хатлари сақланиб қолган. В. И. Ленин ана шундай хатларнинг бирига қуйидаги сўзларни илова қилган: «Агарда, қоидага кўра, маълумотномалар уйга берилмайдиган бўлса, уни кеч-қурунга, бир кечага, яъни кутубхона ёпиқ бўладиган вақтда олиб туриш мумкин эмасми? Эрталаб қайтариб берар эдим».

Ажойиб китоб шаҳри бўлган Ленин кутубхонасининг хазинаси ҳамма учун очиб қўйилган: мамлакатимиздаги ҳамма кутубхоналар сингари унинг хизматидан ҳамма бепул фойдаланиши, бу ерда барча янги китоблар билан танишиши ҳамда қадимги қўлёзмаларни ўрганиши мумкин.

Революциядан аввалги Туркистон территориясида 1913 йилда атиги 14 та кутубхона бор эди, ҳозир эса биргина бизнинг республикамизда оммавий кутубхоналар сони 3000 дан ошади. Шулардан бири — Алишер Навоий номли Давлат кутубхонаси Совет Иттифоқининг энг йирик кутубхоналаридан биридир.

Кутубхона 1870 йилда вужудга келган. Унинг китоб фондларини тўлдиришда Россиянинг илмий муассасалари: Фанлар академияси, География жамияти, Археология комиссияси, энг йирик университетлар иштирок этган. Лекин кутубхона айниқса Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин тез ўса бошлади. 1912 йилда кутубхона фонди 80 минг томдан иборат бўлса, ҳозирги вақтда унда сақланаётган нашрлар миқдори 2655 минг саналади.

Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, ижтимоий-сиёсий, халқ хўжалиги масалаларига, тарихга, техникага, қишлоқ хўжалигига ва шу каби бошқа соҳа-

ларга оид адабиётлар кутубхонада катта ўрин эгаллаган. Умуман Ўрта Осиёга, Ўзбекистонга, Ўрта Осиёдаги айрим республикаларга доир китоблар ва бошқа материаллар айниқса диққатга сазовордир. Шу материаллар орасида революциядан аввалги Туркистоннинг ҳақиқий қомуси — машҳур «Туркистон тўплами» бор. 591 томдан иборат бўлган бу тўпламга Ўрта Осиёга ва қўшни мамлакатларга тааллуқли китоб ва мақолаларнинг кесмалари йиғиб қўйилган. Тўпламни (416 та томни) машҳур рус библиографи В. И. Межов билан кутубхона ходимлари, шу жумладан (175 томни) Н. В. Дмитриевский ва Л. А. Семеновлар тузишган.

Қадимги ва нодир китоблар 5000 томдан ошади. Булар орасида Иван Федоров 1581 йилда нашр қилган машҳур «Авахта тавроти», Антоний Кобургер 1843 йилда Нюрнбергда босиб чиқарган «9-немис тавроти» (энг нодир китоблардан бири) бор.

Қадимги рус китобларидан «Подшо Алексей Михайловичнинг қонунлар мажмуаси» (1649 й) алоҳида диққатга сазовордир. Чернишевский, Глазунов, Пржевальский ҳамда фан, адабиёт ва санъатнинг бошқа арбоблари ҳадянома ва автограф ёзиб, тақдим этган китоблар кутубхонада авайлаб асралмоқда.

Кутубхона эшиклари ҳаммага очиб қўйилган. У республика халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Алишер Навоий номли кутубхонада яна битта китоб бор. Қўпинча ундан республикамизга келган чет эл делегациялари фойдаланади. У ҳам бўлса — таассуротлар китобидир. ГДРдан келган студентлар китобга қуйидаги сўзларни ёзиб қолдиришибди: «Қадрдон ўзбек дўстлар! Кутубхонангизни зиёрат қилиш биз учун фавқулодда воқеа бўлди. Фондларингизнинг бойлигига айниқса қойил қолдик, булар орасида ҳатто энг нодир немис нашрлари бор экан. Биз китобхонларингизга ва ходимларингизга қўлингизда бўлган ҳамма бойликларни ўрганишда катта ютуқлар тилаймиз...»

Биз ҳам шу тилакка қўшилаيлик, азиз китобхон.

Китоб халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи халқаро миқёсда китоблар айирбошлашда актив қатнашиб келмоқда. Зарур адабиётларни юборишингизни илтимос қиламиз, деган маз-

мундаги хатлар ҳар куни деярли ҳамма қитъалардан мамлакатимиздаги турли кутубхоналарга келиб туради. Совет кутубхоналари 89 мамлакатдаги кутубхоналар ва олимлар билан адабиётларни айирбошлаяптилар.

Прага, Лондон, Парижнинг жаҳонга донги кетган кутубхоналари, АҚШ конгрессининг Вашингтондаги кутубхонаси, Япония парламентининг Токиодаги кутубхонаси, университетлар, техника ва илмий жамиятлар, илмий нашриётлар, обсерваториялар, илмий ахборот марказлари ва шу кабилар мамлакатимизга китоблар юбориб туради.

Халқаро миқёсда китоблар айирбошлашда Алишер Навоий номли кутубхонанинг ҳам иштироки бор. Кутубхона 30 мамлакатдаги 69 муассаса билан алоқа боғлаб турибди. Булар орасида 5 та Фанлар академияси, 14 та давлат кутубхонаси, 3 та музей ва 47 та университет, институт, илмий марказ бор.

Биргина 1962 йилнинг ўзида энг йирик совет кутубхоналари чет элларга 920000 дан кўпроқ совет нашрларини юбориб, бунинг эвазига 720000 дан ортиқ чет эл нашрларини олди.

Ҳар йили бизнинг мамлакатимизда фан ва техника, экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришилмоқда. Халқаро миқёсда китоблар айирбошлаш чет эл китобхонининг совет халқи тўплаган ғоявий ва илмий бойликлар билан ошна бўлишга, бутун инсоният учун порлоқ истиқбол сари биринчи бўлиб йўл очиб бераётган мамлакатни яхшироқ билиб олишига ёрдам бермоқда.

Билимнинг турли тармоқлари бўйича дунёда нақадар кўплаб китоблар чиқарилаётганини юқорида кўрдингиз.

Дарвоқе, мунтазам мутолаа қилган одам қанча китоб ўқиши мумкин? Одам 10 яшарлигидан бошлаб, ҳар куни 50 бетдан китоб ўқийди, деб фараз қилайлик. Шунда бир йилда 18250 бет, 60 йилда эса (бизнинг мамлакатимизда бир киши ўртача 70 йил умр кечиради)— 1095000 бет китоб ўқийди. Битта китобда ўртача олганда 300 бет бор, деб ўйлайлик. Шунда бир одам умр бўйи 3650 та китобни ўқиб чиқиши мумкин. Бу рақам озми ёки кўпми? Агар 1962 йилнинг ўзида ва фақат мамлакатимизнинг ўзида 79140 номда китоб нашр қилинганлигини назарда тутсак, инсондаги имкониятнинг ниҳоятда чекланганлиги равшан бўлиб қолади. Худди шунинг

учун ҳам ўнг келган нарсани ўқий бермасдан, фақат энг асосий, энг муҳим, энг яхши, энг зарур асарларни ўқиш керак.

Мана шу ўринда китоблар тўғрисидаги фан — библиография китобхонга ёрдам беради.

Библиография кутубхона каталоглари ва ҳар хил библиографик нашрлар орқали китобхонларга умуман босма маҳсулотлар ва, жумладан, китоблар тўғрисида маълумот беради. Бизнинг мамлакатимизда Бутуниттифоқ ва республика китоб палаталари ҳамма типлардаги китобларни тўла ҳисобга олиб бормоқда. Улар «Китоблар оламида», «Янги китоблар», «Китоб йилномаси», «СССРдаги китобларнинг ҳар йиллик рўйхати» деган ва бошқа кўпгина библиографик журналлар чиқармоқда.

Библиографиядан фойдаланишни билиб олиш — ҳар бир китобхоннинг вазифасидир. Қадимда библиографияни китоб хазинасининг «олтин калити» дейишарди. Дарҳақиқат, китобхонлар ўзининг ёрдами билан ўзи қизиққан китоблар тўғрисида ҳамма нарсани билиб олиши, сон-саноқсиз китоблар орасидан ўзига керакли, энг қимматли асарларни танлаб олиши мумкин.

## Гарб китоблари чангалзориди

Биз яшаётган даврнинг характерли хусусияти шуки, социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасидаги идеологик кураш гоёт кескинлашиб кетди. Коммунизм қурилишида совет халқи эришган ютуқлар, социалистик мамлакатлардаги халқларнинг муваффақиятлари жаҳон миқёсидаги кучларнинг жойланишини сифат жиҳатидан шундай ўзгартириб юбордики, эндиликда империализм социализмни ҳарбий йўл билан енгишга умид боғламай қолди, икки системанинг иқтисодий мусобақасида у бирин-кетин мағлубиятга учрамоқда.

Худди шунинг учун ҳам империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари курашнинг бошқа формаларидан воз кечмаганлари ҳолда, ҳозир социалистик мамлакатларга қарши идеологик диверсияларни кучайтириб юбордилар. Улар идеологияларнинг тинч-тотув яшashi ҳақидаги шиор ниқоби остида санъатнинг «партиясизлиги», «ижоднинг мутлақ эркинлиги», гоёсизлик



ва сиёсатдан қочиш, «авлодлар конфликти» сингари сохта концепцияларни жамиятимизга судраб олиб киришга, гоёвий беқарор кишиларни йўлдан оздиришга уринмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1963 йил) Пленуми ҳозирги босқичда партиянинг идеология ишидаги асосий вазифаларини белгилаб берди, идеология fronti — коммунизм ғалабаси учун курашда энг муҳим фронтлардан биридир, деб таъкидлади.

Кишиларнинг онгига ва қалбига таъсир ўтказиш борасида энг қудратли қуроллардан бири бўлган китоб идеология курашидан четда қолиши мумкинми?

Албатта, мумкин эмас! Ҳар қандай китоб ўзини бинога келтирган жамиятнинг идеологияси билан озмиқўпми даражада узвий боғлангандир. Капиталистлар синфи ва шу синфнинг фарзанди бўлган буржуа давлати умуман матбуотни ва жумладан, китобни жамоатчилик фикрини идеологик жиҳатдан ўз таъсири остига олиш, ҳукмрон юқори табақанинг синфий манфаатларига мос бўлиб тушадиган дунёқарашни шакллантириш қуроли, деб билади. Шу синфга қарши қаратилган нарсаларнинг ҳаммаси таъқиб этилади, ёндирилади, йўқ қилиб ташланади.

Германияда Гитлер ҳокимият тепасига келгандан кейин фашист безорилар китобларни гулхан қилиб ёндиргани одамларнинг хотирасидан ҳали кўтарилгани йўқ. Жаҳон адабиётининг энг дурдона асарлари ўтга ташланди. Чунки бу китобларда баён қилинган идеяларни фашизм жаҳонга олиб келаётган нодонлик ва жаҳолат билан сиғиштириб бўлмас эди. Лекин том ва мажозий маънода китоблардан ясалган гулханлар ҳозиргача ҳам ёниб турибди. Фашистлашиб бораётган безорилар 1956 йилда Францияда бир неча китоб дўконини ер билан яксон қилиб, Бальзак, Стендаль, Гюго китобларини оёқ ости қилди, Дидро ва Ромен Роллан асарларини ўтда куйдирди.

Коммунистик таълимот — марксизм-ленинизм нурини одамларга ёяётган китоблар капиталистик давлатларни айниқса ташвишга солмоқда. Бундай китобларни чиқараётган нашриётлар муттасил таъқиб этилмоқда, уларга пул жарималари солинмоқда, қоғозлари, босиб бўлинган китоблари мусодара қилинмоқда, ноширлар билан муҳаррирлар суд жавобгарлигига тортилмоқда.

Аҳвол кишининг кулгисини қистатадиган даражага етиб бормоқда. Негрларни ҳаддан ташқари таъқиб этаётганлиги билан сўнгги вақтларда ярамас ном чиқарган Алабама штатининг сенати (АҚШ) оқ қуённинг қора қуёнга уйланганлигини ҳикоя қилувчи болалар китобини штат кутубхоналаридан олиб ташлаш ҳақида яқинда қарор чиқарди. Ирқий айирмачилик тарафдорлари бундай нарсани тарғиб қилишнинг оқибати хатарли бўлиши мумкин, деб ўйлабдилар. Китоб авторининг, бу асар катта ёшдаги кишилар учун эмас, балки болалар учун ёзилган, деб исботлашга уринишлари ҳам беҳуда кетди. Китоб кутубхоналардан олиб ташланди. Айни бир маҳалда одамларнинг мияси ва дилини бузадиган, уларни инсон шахсияти эркинлигига ҳурматсизлик билан қараш руҳида тарбиялайдиган, ашаддий ирқчиликни улуғлайдиган, қотиллик ва зўравонликни завқ билан тасвирлайдиган китоблар жуда кўп нусхада нашр этилмоқда. Бундай китобларнинг қаҳрамонлари — каллакесар ўғриллар, хусусий мулкнинг зийрак посбони бўлган полициячилар, қотиллар, боққинчилар, тажовузкорлар ва шу кабилардир. Капиталистик мамлакатларнинг корчалонлари бу хилдаги китобларнинг нашр этилишини ҳар тарафлама рағбатлантирмоқдалар, зотан бундай китоблар, бир томондан, ноширларга мисли кўрилмаган даромад келтирса, иккинчи томондан, оддий кишиларни йўлдан оздиради, уларда пасткаш хирсларни кучайтиради.

Ерқин суратлар билан чиқарилаётган «комикс» номли кичкина китобчалар АҚШнинг ва бошқа кўпгина капиталистик мамлакатларнинг миллий кулфати бўлиб қолди. Бундай китобчалар, аввало, болаларнинг ўқиши учун мўлжалланган. Ҳар ойда АҚШда 90 миллион нусхага яқин комикс нашр қилинмоқда, комикслар ҳамма жойда — газета дўконлари, мактаблар, дорихоналар, университетларда сотилмоқда.

Комиксларнинг мазмуни нимадан иборатлигини чех ёзувчиси Людвик Ашкеназенинг ҳикоясидан билиб олиш мумкин. Америкадаги бир оилада ота саккиз яшар ўғлининг қўлидан комиксни тортиб олиб, уни кўздан кечира бошлайди. Комиксда қора кийимли эркак кишининг бир ёлғиз қизга ҳужум қилгани, уни ерга босиб, кийимларини йирта бошлагани ҳикоя қилинади. Суратлардан бирида зўрлаб ўлдирилган қиз тасвирланган.

«Қизни нимага ўлдирибди» — деб сўрайди ота.

улгурибди. Яна бундақалар битта-иккита эмас. Баъзи авторлар 40 та ва бундан ҳам кўпроқ роман ёзиб ташлаган.

Лекин бу борада америкалик Эрл Стенли Гарднерни рекорд қўйган дейиш мумкин. 1960 йилда унинг юзинчи китоби босилиб чиқди. Гарднернинг қўл остида етти та секретарь ишлаяпти, уларга ҳар ойда 5 минг доллар маош тўлаб туради. Баъзан Гарднер бир йўла тўртта романи диктовка қилади. У битта романини уч ярим кунда диктовка қилибди! Мана, унинг баъзи «асар»ларига қўйилган номларни кўринг: «Бахтли оёқлар тўғрисидаги иш», «Сунъий кўз тўғрисидаги иш», «Қора кўзли малла хотин тўғрисидаги иш», «Қувғин қилинган эр тўғрисидаги иш», «Эҳтиёткор тантиқ хотин тўғрисидаги иш», «Лиқиллаб қолган суяклар тўғрисидаги иш», «Кула-кула ўлишингиз мумкин», «Аҳмоқлар жума кuni ўлади», «Баъзи хотинларнинг кутишга тоқати йўқ», «Муюлишларда эҳтиёт бўлинг»... Оддий америкаликнинггина эмас, бошқа мамлакатлардаги оддий кишиларнинг ҳам миясини қандай булғатаётганликлари ҳақида равшан тасаввур пайдо қилмоқ учун шунинг ўзи кифоя этса керак. Чунки Гарднернинг китоблари 13 тилга таржима қилинган.

Ғарбдаги китоб корчалонлари бундай китобларни ҳар томонлама кўплаб чиқариш ва тарқатиш билан бирга, жаҳон адабиётининг энг яхши дурдоналарини, прогрессив авторларнинг асарларини кутубхоналардан олдириб ташламоқдалар. Бу ўринда кулгили ишлар ҳам содир бўлиб турибди. ГФРда полиция Генрих Гейне, Иоганнес Бехер ва ҳатто А. С. Пушкин китобларини мусодара қилди. Пушкин китобларини нима сабабдан мусодара қилдингиз, деган саволга, полиция: «У ҳам социалист-да»,— деб жавоб берди.

Ғарбдаги китоб нашр қилиш ишини катта йўлдаги босқинчилик иши билан тенглаштириш мумкин. Жаҳон адабиётининг энг яхши дурдоналари, номи бутун жаҳон маданиятининг ифтихори бўлган ёзувчиларнинг китоби қайта ишланмоқда, қисқартирилмоқда, безоринамо муҳаррирларнинг ҳарамзада қўли билан «тузатилмоқда». Шу китобчани ўқиётган кишиларнинг кўплари Америкадаги «Парамаунт» кинокомпанияси ишлаб чиқарган «Уруш ва тинчлик» бадиий фильмини кўрган бўлсалар керак. Лекин кинокомпания ана шу фильм билан бир вақтнинг ўзида Л. Н. Толстой асари — «Уруш ва тинч-

лик»нинг қисқартирилган, тўғрироғи расво қилинган вариантини ҳам чиқарганлигини ҳаммангиз балки билмас-сиз. Булар — остида қисқа-қисқа ёзувлари бўлган суратчалардан иборат эди. Романнинг ана шу «варианти» куйидаги реклама билан чиқарилди: «Мана, буюк китобдан тўла завқ олиш учун узундан-узоқ минглаб саҳифани ўқиб ўтиришингизга энди эҳтиёж йўқ»... Бунга изоҳ ҳам ортиқчалик қилади.

Дин пешволари китобни қандай таъқиб этаётганлиги тўғрисида беш-олти оғиз сўз айтайлик. Ҳукмдорлар сингари, дин пешволари ҳам халқнинг маърифатли бўлишига ҳамма вақт қаршилиқ қилиб келди. Чунки халқнинг маърифатли бўлишини ўз ҳукмронлиги учун асосий хавф деб билди. Дин пешволари илғор олимлар билан мутафаккирларни қувғин қилганлигига доир фактлар ҳаммага маълум. Улугбек, Галилео Галилей, Жордано Бруно, Ян Гуснинг ҳамда диний жаҳолатпарастлик қурбонлари бўлган бошқа кўпгина сиймоларнинг номларини айтиб ўтиш kifоя.

Дин пешволари ўзига ёқмаган китобларни эрамизнинг дастлабки асрларидан бошлаб таъқиб этиб келади. Босмахона станогни майдонга келиб, китоблар нашр қилиш кўпайгач, католик дини «дахрий» асарларга қарши курашнинг таъсирлироқ методларини қидирди. «Ман этилган китоблар рўйхати» шу тариқа вужудга келди. Инквизиция дастлабки шундай рўйхатни 1559 йилда нашр қилди. Шундан кейин рўйхат жуда кўп ўзгартишлар ва қўшимчалар билан неча ўн марталаб нашр қилинди.

Ҳозирги вақтда «Ман этилган китоблар рўйхати» 500 саҳифадан ошади. Унда 1600 йилдан бошлаб ман этилган китобларнинг номлари бор. Баъзи авторлар батамом ман этиб қўйилган. Булар асосан, Жордано Бруно, Гоббс, Декарт, Юм ва шу каби бошқа файласуф ҳамда олимлар, шунингдек Золя, Метерлинк, Франс, Сартр каби жаҳонга машҳур бўлган ёзувчилардир. Бальзак, ота Дюма, ўғил Дюма, Жорж Санд, Стендаль ва бошқаларнинг ҳамма «ишқий хангомалари» ман этилган. 1600 йилдан буён мингдан ортиқ китоб якка тартибда тақиқлаб қўйилган. Булар орасида файласуф, олим ва иқтисодчилардан Бэкон, Гельвеций, Гольбах, Дидро, Локк, Паскалнинг китоблари бор.

Беранже, Вольтер, Гюго («Париж Биби Мариям ибo»

датхонаси», «Аламдийдалар»), Гейне, Лафонтен, Мицкевич, Флобернинг баъзи («Бовари хоним» ва «Саламбо») асарлари ҳам тақиқлаб қўйилган.

Католик динидаги кишиларнинг ана шу китобларни ўқиши, сақлаши, сотиши, таржима этиши ва муҳокама қилиши ман этилади. Улар ман этилган китобни ўқиш учун рухсат сўрашлари шарт, акс ҳолда жазога тортилиб, ҳатто черковдан четлаштирилишлари мумкин.

Коммунистик адабиёт католик динининг алоҳида диққат марказида туради. 1943 йилда католик дини коммунистларнинг назариялари ёки ҳаракатларини ёқловчи ҳамма китоблар ва босма асарларни ман этиб қўйди. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, бу борада ҳам дин билан ҳукмдорларнинг позицияси бир-бирига батамом мосдир.

Ниҳоят, сўнги масалага келайлик. Китоб ўқишнинг энг зарур шarti саводли бўлишдир. ЮНЕСКОнинг ҳисобларига кўра, XX аср ўрталарида бутун дунёда 15 ёшдан катта кишилар орасида тахминан 700 миллион саводсиз бўлган. Бу — планетамиздаги катта ёшли аҳолининг 45 процентидир. 1954 йил сентябрь ойида «Нью-Йорк таймс» газетаси қизиқ бир фактни маълум қилди: 8-армияда хизмат қилувчи Америка солдатларидан 25 минг киши хат-саводи бўлмагани учун Корея уруши вақтида қариндош уруғлари билан хат ёзиша олмаган. Расмий маълумотларга кўра, АҚШда аҳолининг 3 процентни саводсиздир. Шундай қилиб, энг бой капиталистик мамлакатнинг пражданларидан 3 миллион киши китоб ўқиш имкониятига эга эмас.

Китобсиз билим бўлмайди, билимсиз коммунизм бўлмайди.

*В. И. Ленин.*

## **Коммунизм учун курашдаги иттифоқчимиз**

Улуғ рус ёзувчиси Н. В. Гоголь бундай деб ёзган эди: Шундай замон келадикки, маданиятли Европа Россияга каноп тола ва чўчқа ёғи сотиб олиш учун эмас, балки Европа бозорларида сотилмай қўйган донишмандлик сотиб олиш учун қатнайдиغان бўлади.

Уша замон келди! Ер шари халқлари Совет Иттифокига умид ва муҳаббат билан нигоҳ ташламоқдалар. Бизда илм-маърифат билан маданият жуда кенг халқ оммасининг мулки бўлиб қолди. «Эндиликда Совет Иттифоқи,— деди Н. С. Хрущев,— иқтисодий қудрати жиҳатидан жаҳонда иккинчи ва ўз маданияти жиҳатидан биринчи мамлакатдир».

Жамият тарихи — синфлар кураши тарихидир. Китоб шу курашни акс эттирибгина қолмади, айна маҳалда унинг ўзи шу курашнинг қудратли қуроли бўлиб хизмат қилди. Хукмрон синфларга ва бу синфларнинг идеологиясига қарши қаратилган матбуот, китоблар синфий жамиятнинг бутун тарихи мобайнида яратиб ва тарқатиб келинди. Бироқ, капиталистик жамиятда революцион, прогрессив адабиёт муттасил таъқиб қилинди ва қилинмоқда. Эксплуататорлик шароитида китоб халқнинг чинакам мулки бўла олмади ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Социалистик революция ғалабасигина китобни маданий революция ва оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, уни коммунистик қурилиш учун зарур билимлар билан қуроллантиришнинг қудратли қуролига айлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаб берди. Совет китоби бир ҳовуч эксплуататорларга эмас, балки миллион-миллион меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Социалистик жамиятда халқ билан китобнинг бир-биридан узилиб қолиши мумкин эмас. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин нархи жиҳатидан ҳам, тиражи жиҳатидан ҳам, айниқса муҳими — мазмуни жиҳатидан ҳам китобнинг оммавий китобхонларга етиб бориши осонлашди. Китоб халққа коммунистик маърифатни ёйиш ва меҳнаткашларни коммунизм ғалабаси учун курашга уюштиришнинг қудратли воситаси бўлиб қолди.

В. И. Ленин ёш Совет давлатида китоблар нашр қилишни тартибли йўлга қўйишга қанчалик кўп эътибор бергани маълум. У, мамлакатда мавжуд бўлган ҳар бир китобни ўз ўқувчисига етказайлик, деб даъват қилар эди. «Биз,— деган эди В. И. Ленин,— ҳозир ўзимизда бор китоблардан фойдаланишимиз ва кутубхона шохобчаларини ташкил эта билишимиз керак, улар халқнинг ўзимизда бор ҳар бир китобчадан фойдаланишига ёрдам бериши керак» (Асарлар, 29-том, 346-бет).

Совет кишилари китобдан билим олмақдалар, ўзла-

рини ўйлантираётган саволларнинг жавобини китобдан топмоқдалар. Совет китоби ҳақли равишда жаҳонда энг илғор китоб деган ном чиқарди, чунки у коммунизм йўлига нур сочиб турибди, илғор билимларнинг манбаи ҳисобланади, Ватанимизнинг маънавий ва моддий бойликларини кўпайтириш учун курашда кўмакдош бўлмоқда.



7-расм. КПСС Программаси ва Уставининг ўзбек тилидаги нашри.

Китоб ўқишнинг мажбурий шarti саводли бўлиш эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Чор Россиясида аҳолининг тўртдан уч қисми хат-савод чиқаролмасдан қоларди. Революциягача бутун Ўрта Осиё билан Қозоғистондаги асосий қисми бошланғич бўлган мактабларда 140 мингга етиб-етмаган бола ўқиган. Ҳозир эса, Ватанимиз олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. СССР ҳар йили Америка Қўшма Штатларига нисбатан 3 баравар кўп инженер тайёрлаб чиқармоқда. Бизнинг мамлакатимиз ёппасига саводхон мамлакат бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг ҳамма аҳо-

лисини юксак даражада маърифатли қилиш масаласи кун тартибига қўйилди.

КПСС тарихий XXII съезди партиянинг янги Программасида мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор планини белгилаб берди. Бу план маданиятни янада мисли кўрилмаган даражада юксалтиришни кўзда тутди. КПСС Программаси яқин 20 йилда ҳамма кишилар учун мажбурий ўрта маълумотни амалга оширишни ҳамда олий таълим миқёсларини янада кенгай-

тириб юборишни мақсад қилиб қўйди. 1980 йилда мамлакат олий ўқув юртларида ҳозиргига қараганда 3 баравардан кўпроқ, яъни 8 миллион студент ўқийдиган бўлади.

Халқ маорифи йўли билан эмас, балки маданий-оқартув муассасалари, клублар, маданият саройлари, музейлар, театрлар, кутубхоналар ва шу кабилар шохобчасини кенгайтириш йўли билан ҳам кишиларимизнинг маънавий маданияти ошириб борилмоқда.

Мамлакатимизда ташкил қилинган ва ишлаб турган минглаб халқ маданият университетларида миллион-миллион совет кишилари ўзининг маданий ва умумий билим савиясини оширмоқда. Коммунистлар партияси, улуғ Ленин партияси, «Коммунизм ҳаммага билим беради!» деган шиорни майдонга ташлаб, уни турмушга татбиқ этмоқда.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикаимизда чинакам маданий революция амалга оширилди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1914 йилда атиги 165 та мактаб бўлиб, биронта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Ҳозир эса, республика мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлари, театрлар, клублар, кинотеатрлар ва бошқа маданият муассасаларининг қалин тармоғи билан қопланган. Республикадаги 8 мингга яқин мактабда 1871 минг бола, 29 та олий ва 84 та ўрта махсус ўқув юртида 199,2 минг студент ўқимоқда. 133 та илмий тадқиқот муассасаси (шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси) ташкил этилган, уларда 13 мингдан ортиқ илмий ходим самарали меҳнат қилмоқда. Республика халқ хўжалигида ишлаб турган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг сони 280 минг кишидан ошади. Ҳар куни республика меҳнаткашлари учун турли темаларда 1000 дан ортиқ лекция ўқилмоқда, 300 дан кўп халқ маданият университети очилган бўлиб, уларда 40 мингдан ортиқ киши таълим олмоқда.

Совет кишиларининг китобга бўлган интилиши айниқса зўрдир. СССРнинг қайси жойида бўлмасин — кутубхоналардами, клублардами, қироатхоналардами, дам олиш уйларидами, метродами, троллейбуслардами, трамвайлардами, поездлардами — одамларнинг қўлидан китоб тушмаслиги мамлакатимизга келаётган чет эллик меҳмонларни ҳаминша қойил қолдирмоқда... Китоб магазинлари доимо китобхонлар билан гавжум, кўча-



балки тоза, янги ҳаво керак. Фақат шундай ҳавогина одамга куч-қувват, бардамлик ва қувонч бахш этади. Мана шу сабабдан, мен ёзувчиларимиз, уларнинг китоблари тўғрисида гапирмоқчиман. Бу масала айниқса ҳозир, Никита Сергеевич Хрушчевнинг адабиёт ва санъат арбобларига қарата сўзлаган нутқидан кейин биз, ишчилар орасида ҳам қизгин муҳокама қилинаяпти ва ҳам-мамизга қаттиқ таъсир этапти.

Менимча, ҳар қандай китоб босмадан чиқиши биланоқ авторники бўлмай қолади. Маълумки, китоблар китобхон учун ёзилади, китобхон эса, халқ демакдир.

Бирон роман, повесть ёки поэмани ўқиганингда, ҳаммадан аввал сени асардаги фикрлар, туйғулар, ғоя ўзига тортади. Шолохов, Фурманов, Островский, Федин, Леоновнинг китобларини ўқисанг, ўзинг севиб қолган қаҳрамонлар билан хайрлашгинг келмай, сўнгги саҳифаларни афдараётган вақтингда ачинасан. Ана шу қаҳрамонларнинг бирон, энг муҳимроқ ишларида мен ҳам уларга ўхшасам-ку, дейсан.

Аммо, мана бунақаси ҳам бўлади. Ишдан уйингга вақтинг чоғ бўлиб келасан, чунки дўстларинг билан шу куни дўндириб ишлагансан. Келиб, дам олиш вақтида сабрсизлик билан янги китобни очасан. Бетма-бет варақлаганинг сайин сенда... гижиниш пайдо бўлади. Шуларнинг бари нима мақсадда ёзилган, кимнинг миясидан тўқиб чиқарилган?— дейсан.

...Биз шуни хоҳлаймиз ва талаб қилишга ҳам ҳақлимизки, бизнинг авлодимиз тўғрисида Маяковский, Николай Островский, Фадеев ёзганидек, Шолохов ёзаётганидек ёзсинлар. Бу ёзувчиларнинг асарлари шунинг учун ҳам асарларга кириб қоладики, аввало, улар ўз замондошларининг қалбига кирадилар. Ўз замондошларига эга қудратли қурол — енгилмас иродали бўлиш қуролини бердилар.

...Менинг фикримни тўғри тушунишларини истайман. Балки мен ёзувчилик «технологияси»нинг нозик томонларини унча яхши билмасман, аммо имоним комилки, агар ёзувчи чинакам моҳир бўлса, унинг китоби албатта ҳаётнинг бир парчаси бўлади, одамларнинг онгига таъсир қилади, нур сочиб, Горький асаридаги Данконинг оловли юрагидек жасоратга, бахт-саодатга чорлаб туради.

...Бизнинг истагимиз шуки, совет ёзувчиларининг

асарлари ўзининг юксак ғоявийлиги, бадий маҳорати билан бизни хурсанд қилсин, уларнинг асарларида пафос, мукамал ва кучли характерлар кўп бўлсин. Биз ҳозирги кунимиз тўғрисида ёзилган, катта социал ва гражданлик проблемаларини ўртага қўйган китоблар кўпроқ бўлишини кутамиз. Бунинг учун ёзувчиларимизда ҳамма шарт-шароитлар бор. Партия уларга кенг майдон очиб берди, улардан фақат бир нарсани — халққа садоқат билан хизмат қилишни талаб қилмоқда».

...Китоблар оламига қилган саёҳатимиз тугаб қолди. Саёҳатимиз қисқа бўлгани учун биз инсон ихтиро қилган энг буюк мўъжизалардан бири тўғрисида ҳамма нарсани тўлиқ билмадик, албатта. Лекин, башарти, китобхонда бутун умримизнинг содиқ йўлдошлари тўғрисида чуқурроқ ва муфассалроқ сўзлаб берувчи бошқа китобларга мурожаат қилиш иштиёқи туғилса, автор ўз вазифасини адо этган, деб ҳисоблайди.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ФОЙДАЛИ ВА МАРОҚЛИ

### 1. Атоқли кишиларнинг китоб тўғрисида айтган фикрлари

*Бадиий асарларни ўқиш — ҳаётни ва унинг кураш қонунларини билиб олишнинг бебаҳо манбаидир.*

*Китоб — ақлий меҳнатнинг ишлаб чиқариш қуролидир.*

К. Маркс (1818—1889) — илмий коммунизмнинг асосчиси, халқаро пролетариатнинг устози ва йўлбошчиси.

*Китобсиз — билим бўлмайди, билимсиз — коммунизм бўлмайди.*

В. И. Ленин (1870—1924) Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тузувчиси, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси ва устози.

*Китоб — меҳнат қуроли. Лекин фақат шугина эмас, китоб одамларни бошқа кишиларнинг ҳаёти ва курашига олиб киради, ана шу кишиларнинг кечинмаларини, фикрларини, муддаоларини тушуниб олиш имкониятини беради; атрофингдаги нарсаларни таққослаб кўриш, уларнинг тагига етиш, уларни ўзгартириш имкониятини беради.*

Н. К. Крупская (1869—1939) — В. И. Лениннинг хотини ва дўсти, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби.

*Шундай яхши китоблар яратишга ҳаракат қилиш керакки, улар узоқ умр кўриб, одамларга роҳат бағишлайдиган бўлсин.*

Н. С. Хрушчев (1894 йилда туғилган) — КПСС Марказий Комитетининг Виринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси.

Оламда китобдан азиз дўст йўқдир.

Алишер Навоий (1441—1501)—улуғ ўзбек шоири.

Мутолаа — энг яхши ўқиш-ўрганиш ана шу.

А. С. Пушкин (1799—1837)—улуғ рус шоири.

Китоб — халқимизнинг ҳаётидир.

В. Г. Белинский (1811—1848)—рус революцион демократи, танқидчиси ва публицисти.

Китоб — бир халқнинг иккинчи халққа маънавий васиятномасидир. Автор китобни яратади. Жамият уни қабул қилади ё рад этади. Китобнинг ижодкори автор бўлса, китоб тақдирининг автори — жамиятдир.

А. И. Герцен (1812—1870)—рус революцион демократи, материаллист — файласуф.

Халқ маданиятининг юксаклиги мамлакатда нашр қилинаётган китобларнинг миқдори билан ўлчанади.

Ўзимдаги ҳамма яхши нарсалар учун китобдан миннатдорман.

...Китобни севингиз, китоб турмушингизни енгиллаштиради, хилма-хил ва шиддатли фикрлар, туйғулар, воқеаларнинг чигалини ёзиб олишингизга дўстона ёрдамлашади, у сизни одамни ва ўзлингизни ҳурматлашга ўргатади, дунёга, одамга муҳаббат ҳиссини бахш этиб, ақлга ва юракка илҳом солади.

М. Горький (1886—1936)—улуғ рус ёзувчиси, совет адабиётининг асосчиси.

Оламнинг чегараси йўқ. Унинг жуда оз бир бўлагинигина ўз кўзингиз билан кўришингиз мумкин. Шу сабабдан, фактларни китобдан ахтаринг.

В. Обручев (1863—1956)—аҳоли совет геологи ва географи.

Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қолдиради.

Ойбек (1905 йилда туғилган)—ўзбек совет ёзувчиси.

### Чиқарилган китобларнинг солиштирма жадвали

Чиқарилган китоблар	Номлар сони	Минг нусха
1913 йилда	56	118
шу жумладан ўзбек тилида	33	79
1958 йилда	1558	20035
шу жумладан ўзбек тилида	780	13491
1962 йилда	1976	26442
шу жумладан ўзбек тилида	1168	17131

7. Революцияга қадар Россияда биринчи китоб босилгандан бери ўтган 400 йил ичида 550 минг номда китоб нашр қилинган эди. Совет ҳокимияти барпо бўлгандан кейин 43 йил ичида 1595,1 минг номда китоб чиқарилди.

8. 1960 йилда СССРда нашр қилинган ҳамма китобларнинг 32,4 проценти техника, 14,6 проценти сиёсий, 9,9 проценти қишлоқ хўжалик, 11,6 проценти илмий, 10,6 проценти бадий, 4,0 проценти болалар адабиёти бўлди.

9. Мамлакатимизда К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари СССРдаги ва чет эллардаги 74 халқнинг тилида жами 77.700.000 нусхада нашр қилинди.

«Коммунистик партия Манифести» СССРда 67 тилда 364 марта 14,4 миллион нусхада, шу жумладан, КПСС XXII съезидан кейин 7 марта 161 минг нусхада нашр қилинди.

10. В. И. Ленин асарлари СССР ва чет эллардаги 93 халқнинг тилида 316.300.000 нусхада нашр қилинди.

11. КПСС Программаси СССР ва чет эллардаги 56 халқ тилида 74 марта 11,2 миллион нусхада нашр қилинди.

КПСС Устави 57 тилда 73 марта 11,3 миллион нусхада чиқарилди.

12. Гутенберг замонидан 1500 йилга қадар 30742 номда, 1500 йилдан 1600 йилгача 285224 номда, 1600 йилдан 1700 йилгача 972300 номда, 1700 йилдан 1800 йилгача 1637196 номда, 1800 йилдан 1900 йилгача 6100597 номда китоблар нашр қилинди.

## МУНДАРИЖА

Буюк мўъжизанинг таърифи . . . . .	3
Китоб қандай пайдо бўлди? . . . . .	5
Турли-туман китоблар . . . . .	16
Билим денгизидаги ороллар . . . . .	21
Ғарб китоблари чангалзориди . . . . .	25
Коммунизм учун курашдаги иттифоқчимиз . . . . .	32
Билиб қўйган фойдали ва мароқли . . . . .	42

*На узбекском языке*

Л. ТРАНИС

ПУТЕШЕСТВИЕ В СТРАНУ КНИГ

Объединенное издательство  
„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“  
и „Ўзбекистони Сурх“  
Ташкент — 1964

Автор Леонид Михайлович Транис

Таржимон Т. Пўлат  
Техредактор В. Зубовская

Редактор К. Пўлатов  
Корректор С. Набиев

Теришга берилди 19/ХП-1963 й. Босишга рухсат этилди 5/П-1964 й.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босма листи 1,5. Шартли босма листи  
2,46. Нашриёт ҳисоб листи 2,27. Тиражи 15800. Нашр № 415.  
Р.05920 Заказ № 4770. Баҳоси 6 тийин.

---

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“  
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси Тошкент,  
„Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

166

Muzenc 75408

bazooka 2 1/2